

## ИҚТИСОДИЙ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ТАЪСИРИДА БЎЛГАН ЁШ ОИЛАЛАР МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ТАРБИЯНИНГ РОЛИ

Абдувохидова Нодирабегим Абдувасиқ қизи

Тадқиқотчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17274930>

**Аннотация.** Мақолада сўнги йилларда Ўзбекистонда ёш оилалар мустаҳкамлигига салбий таъсир кўрсатаётган иқтисодий омилларни ўрганиш юзасидан амалга оширилган тадқиқот натижалари келтирилган. Тадқиқот объекти сифатида Тошкент шаҳридаги бир қанча маҳаллаларда “Маҳалла фуқаролар йиғини”га оилавий муаммолар билан мурожаат қилган ёш оилалар (30 ёшгача) хизмат қилган. Ушбу оилалар билан психологик сўровномада келтирилган саволлар бўйича суҳбат олиб борилган. Тадқиқотда миллий қадриятлар ва тарбияни ўзида мужассам этган 10 та сессияли 2 ҳафталик тренинг натижасида ажрашиш хавфи юқори гуруҳда 13,3 % дан 10,3 % гача, ўртача хавфли гуруҳда 33,3 % дан 25,5 % гача камайтирилишига эришилган.

**Калит сўзлар:** оила, эр ва хотин, никоҳ, мустаҳкамлик, ажрашиш хавфи, психологик, ижтимоий, иқтисодий, миллий қадрият.

## ВЛИЯНИЕ НАЦИОНАЛЬНЫХ ТРАДИЦИЙ И ВОСПИТАНИЯ НА УСТОЙЧИВОСТЬ МОЛОДЫХ СЕМЕЙ В КОНТЕКСТЕ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ВЫЗОВОВ

Абдувохидова Нодирабегим Абдувасиқ кизи

Исследователь

**Аннотация.** В статье представлены результаты исследования, посвящённого анализу экономических факторов, оказывающих в последние годы негативное влияние на устойчивость молодых семей в Узбекистане. Объектом исследования стали молодые семьи (в возрасте до 30 лет), обратившиеся в махаллинские сходы граждан с семейными проблемами в ряде махаллей города Ташкента. В рамках исследования был проведён двухнедельный тренинг, состоящий из 10 сессий, включавших элементы воспитания и национальных традиций. По итогам тренинга уровень риска развода среди участников с высоким уровнем риска снизился с 13,3 % до 10,3 %, а в группе со средним уровнем риска – с 33,3 % до 25,5 %.

**Ключевые слова:** семья, муж и жена, брак, прочность, риск развода, психологический, социальный, экономический, национальные ценности.

## THE INFLUENCE OF NATIONAL TRADITIONS AND UPBRINGING ON THE STABILITY OF YOUNG FAMILIES IN THE CONTEXT OF ECONOMIC CHALLENGES

Abduvokhidova Nodirabegim

Researcher

**Abstract.** The article presents the results of a study analyzing the economic factors that have had a negative impact on the stability of young families in Uzbekistan in recent years. The study focused on young families (under the age of 30) who sought assistance from citizens'

gatherings (mahalla meetings) in various neighborhoods of Tashkent due to family-related issues. As part of the research, a two-week training program was conducted, consisting of 10 sessions that incorporated elements of parenting and national traditions. Following the training, the divorce risk among participants in the high-risk group decreased from 13.3% to 10.3%, while in the medium-risk group, it fell from 33.3% to 25.5%.

**Keywords:** family, husband and wife, marriage, stability, divorce risk, psychological, social, economic, national values.

**Кириш.** Дунёда ажримларнинг олдини олиш, оилани имкон борича сақлаб қолиш, ажрим ҳолатига келган оилалар билан ишлаш ҳамда уларнинг сабаб ва омилларини аниқлашнинг замонавий йўллари ишлаб чиқилмоқда. Оила инсон учун муқаддас маскан, кишилик жамиятининг ижтимоий пойдеворидир. Оилавий турмуш билан жамият тараққиётининг доимий муштараклиги туфайли, жамият тараққиётининг барча даврларида ҳам оилавий муаммолар унинг илғор вакиллари диққат эътиборида бўлиб келмоқда [5].

Анъанавий оила моделини тарафдорларини камайиши, бир-бирига қарамликдан қочиш ва эркин ҳаёт танлашнинг устуворлиги, қонуний никоҳдан ўтмасдан яшаш замонавий оила нормасига айланиб бораётганлиги ва оилани патриархал шакли унутилаётганлиги жуда жиддий муаммодир. Ҳозирги кунда оилалардаги ажралишларнинг ижтимоий-психологик сабабларини этнопсихологик ва ажрим ҳолатига келган оилалар билан ишлашда унинг ҳудудий хусусиятларини эътиборга олишда индивидуал ишлаш механизмини такомиллаштириш долзарб бўлиб келмоқда [1].

Жаҳонда оиладаги она феномени, оилавий низолар, нотўлиқ оиладаги шахслараро муносабатлар, нотзлик оиладаги сиблинг муносабатлар, ажрим ҳолатидаги оилаларнинг психологик хусусиятлари, нотўлиқ оиланинг келиб чиқиш сабаблари, ёлғиз оналикнинг психологик феномени, ажримдан кейинги ижтимоий муносабатларга тайёрликнинг психологик жабҳалари, оиладаги шахслараро муносабатлар, тенгдошлари билан муносабат хусусиятлари билан боғлиқ муаммоларни ижтимоий-психологик нуқтайи назардан тадқиқ этиш заруратини илгари сурмоқда [3].

Оила институтини ривожлантириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларни маҳалла ва меҳнат жамоаларида фаоллигини ошириш, намунали оилани шакллантириш, унинг маънавий ахлоқий муҳитини ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш йўналишида ижтимоий-психологик тадқиқотларни олиб бориш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади [6].

Муқаддас динимиз Исломда ҳам, унинг асосий манбалари ҳисобланган Қуръони Карим ва Ҳадисларда бўлажак оиланинг вужудга келишига алоҳида эътибор берилган ҳамда фарзандларнинг наслий пок бўлишини ҳисобга олиб, бўлажак қайнота-қайноналарни танлаш зарурияти ўзига хос тарзда баён этилган. Ислом динида никоҳ муқаддас битим, оила эса бузилмас қўрғон деб эътироф этилади, эркак билан аёл ўртасидаги боғланишнинг давомийлиги ҳимоя қилинган. Шу сабабдан ҳам, Исломда эркак билан аёлнинг никоҳсиз яшашига йўл қўйилмаган. Ислом дини никоҳ, оиланинг бузилишини раво кўрмайди [4].

Оилавий муносабатларда нафақат эр ва хотин, шунингдек, барча оила аъзоларининг бир-бирига муомаласи ва муносабатининг ўрни беқиёс.

Юқоридаги фикрларни, назаримизда, ҳар бир оила қуришга тайёргарлик кўраётган ёшлар ўқиши, билиши керак. Чунки ҳозирги кунда, айниқса, илмсизлик туфайли жуда кўп оилалар ажрим ёқасига келиб қоляпти.

**Тадқиқот предмети ва услуги.** Тадқиқотда объекти сифатида Тошкент шаҳридаги бир қанча маҳаллаларда “Маҳалла фуқаролар йиғини”га оилавий муаммолар билан мурожаат қилган ёш оилалар (30 ёшгача) ўрганилди. Ушбу оилалар билан психологик сўровномада келтирилган саволлар бўйича суҳбат олиб борилди. Тадқиқотнинг методологик асоси сифатида оила психологияси илмида умумқабул қилинган диагностик усуллар (генограмма, оилавий социограмма), психотерапевтик ёндашувлар (тизимли, психодинамик, гештальт-терапия), техник усуллар (айланма интервью, ижобий қайта шакллантириш, психодрама), умумий тамойиллар (чегараларга ҳурмат, эмпатия, низоларни конструктив ҳал этиш), сўровнома-анкеталар, шунингдек В. И. Слепкова, Т. А. Заеко [2] каби олимлар тавсия этган услублардан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.** Сўнги йилларда Ўзбекистонда кузатилаётган оилавий ажримларнинг асосий сабабларидан бири бўлиб иқтисодий қийинчиликлар асосий ўринда қолмоқда. Шу боис, биз ўз тадқиқотимизда ажралишларнинг ижтимоий-психологик феномен сифатида ўрганиб чиқиш ҳамда уларни келтириб чиқарувчи асосий иқтисодий сабаб ва омилларни таҳлил қилдик. Бунда тадқиқотнинг объекти сифатида оилавий муаммолар билан мурожаат қилган 90 нафар ажрашган эркак ва аёллар ҳамда ажрашаётган эр-хотинлар (90 та оила) респондент сифатида ўрганилди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ажрим учун мурожаат билан келган ёш оилаларнинг аксариятида (67% дан юқори) иқтисодий қийинчиликлар асосида юзага келган келишмовчиликлар ажрим ҳолатининг асосий омили бўлган. Бунда оилада юзага келган низолар кўп ҳолларда истеъмол портфелидан паст ойлик даромад топиш орқасидан келиб чиққан, яъни эр ва хотинларнинг топган даромади рўзғор ташвишларидангина иборат бўлиб қолган (1-расм).



**1-расм. Тошкент шаҳрида оилалардаги иқтисодий қийинчиликлар таъсирида ажралишларнинг асосий кўрсаткичлари, 2024 й.**

Расм маълумотлари шуни кўрсатадики, оилада ишсизлик (айниқса эрнинг), ота-онага боқимандалик, яъни ҳали бирор касб эгаси бўлмаса-да ота-она томонидан фарзандларини никоҳлантириб қўйиш ҳам Тошкент шаҳрида айрим оилаларда ажримнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, фақатгина иқтисодий қийинчиликлар оилалар парокандалигининг сабаби бўлиб қолмайди. Баъзан иқтисодий қийинчилик мавжуд бўлмаган оилаларда ҳам ажрашиш учун мурожаатлар келиб тушган (3%). Ўрганишларимиз шуни кўрсатдики, уларда асосий омил ортиқча орзу-хавас ортидан юзага келган келишмовчиликлар бўлган. Бундай оилаларда асосан эрнинг яқинлари томонидан аёлни камситилиши орқасидан оилавий таназул келиб чиққан.

Тадқиқот давомида тарихий анъаналаримизни ўрганиш шуни кўрсатдики, иқтисодий ўта қийин вазиятларда ҳам (иккинчи жаҳон уруши давридаги ва ундан кейинги йилларда ҳукм сурган очарчилик) оилалар бугунги кунга нисбатан бир неча баробар мустаҳкам бўлган. Ушбу оилаларда, гарчи етишмовчилик йиллар давомида сақланиб қолса-да, оилани муқаддас маскан билиш, диний қадриятларга кўра эр ва хотиннинг оиладаги ўз бурчларига садоқат руҳини йўқотмаслик, сабр каби асрий анъаналар оила мустаҳкамлигини сақлашда муҳим ўрин тутган.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот иши доирасида миллий қадриятлар ва тарбияни ўзида мужассам этган 10 та сессияли 2 ҳафталик тренинг ташкил этилди. Бунда аёллар учун оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва ажралишнинг олдини олишга доир ташкилий ишлар олиб борилди ва унинг самарадорлигини аниқлаш учун “Психологик консултатсия курсида”ги 90 нафар

ажралиш хавфи юқори бўлган оилаларнинг аёллари иштирок этди. Шундан 45 нафари тажриба гуруҳида 45 нафари эса, назорат гуруҳида иштирок этди.

Бизнингча ажралиш хавфини учта даражага ажратиш, оиланинг аҳволини аниқлаш ва уларга мос ёрдам чораларини кўриш учун муҳимдир. Қуйидаги учта даража орқали ўз тажриба синовимизни олиб бордик (жадвал).

#### Жадвал


**Тошкент шаҳрининг ўрганилган маҳаллаларида фуқаролар йиғинига оилавий муаммолар билан мурожаат қилган ёш оилаларнинг ажралиш хавфи гуруҳлари**

Даражалари	Хусусиятлари	Балл
Паст хавф (барқарор, аммо муаммоли оилалар)	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Оилада кичик ва ҳал қилиниши мумкин бўлган келишмовчиликлар мавжуд.</li> <li>2. Эр-хотин ўртасида умумий ҳурмат ва севгининг сақланиб қолганлиги кузатилади.</li> <li>3. Мулоқотда бироз қийинчиликлар бўлсада, томонлар бир-бирини тинглашга тайёр.</li> <li>4. Ажралиш масаласи жиддий кўриб чиқилмаган.</li> </ol>	71-81
Ўрта хавф (муаммоли ва заифлашган оилалар)	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Жиддий келишмовчиликлар, кўпинча мунтазам равишда юзага келади.</li> <li>2. Мулоқот деярли йўқ, кўпинча тўқнашувлар билан тугайди.</li> <li>3. Эр-хотин ўртасидаги ҳиссий яқинлик камайган, биргаликдаги қарорлар қабул қилиш қийинлашган.</li> <li>4. Ажралиш ҳақида ўйлаш ёки гапириш бошланган.</li> </ol>	51-70
Юқори хавф (ажралишга яқин оилалар)	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Эр-хотин ўртасида ишонч деярли йўқолган.</li> <li>2. Жиддий можаролар, бир-бирини менсимаслик ва айблаш ҳолатлари кузатилади.</li> <li>3. Ҳиссий яқинликнинг йўқлиги ва кўпинча бир-биридан узоқлашиш содир бўлган.</li> <li>4. Ажралиш масаласи кўриб чиқилмоқда ёки амалий жараён бошланган.</li> </ol>	0-50

Ажралиш хавфи юқори бўлган ёки оилавий муаммоларни ҳал қилишга қизиққан аёллар фикрлари анкета, кузатув ва оғзаки савол жавоблар орқали ўрганилди. Ушбу даражалар оилага мос келувчи ёрдамни аниқлашда ёрдам берди.

"Аёллар учун оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва ажралишнинг олдини олиш" мавзусида 2 ҳафта учун 10 та сесиядан иборат бўлган тренинг дастуридан сўнг "Психологик консултатсия курсида"ги 90 нафар ажралиш хавфи юқори бўлган оилаларнинг аёллари тажриба гуруҳидан ва назорат гуруҳидан қайтадан тест ва суҳбатлар ўтказилганида уларда ажралиш хавфининг сезиларли камайганлиги аниқланди. Бунинг натижасида ажралиш хавфи юқори даражали гуруҳда назоратга нисбатан 13,3 % дан 10,3 % гача, ўртача хавфли гуруҳда 33,3 % дан 25,5 % гача камайтирилишига эришилди. Ушбу даражаларнинг камайиши тажриба якунида

ажрашиш хавфи паст даражали гуруҳ фоизининг тўғри пропорционал равишда ортишига олиб келди. Бу эса, олиб борилган тажриба ишлари, яъни тарбия ва қадриятларга садоқатни сингдиришнинг самарали эканлигидан далолат беради (2-расм).



**2-расм. Миллий қадриятлар ва тарбияни ўзида мужассам этган тренинг натижасида низоли оилалардаги ажралиш хавфининг ўзгариши, 2024.**

Бироқ, биз тадқиқот ишимизни ажралиш хавфи юқори бўлган ёки оилавий муаммолар билан мурожаат қилгандан кейинги оилалар билан олиб бордик. Уни олдини олиш ва ажримгача етиб бормаслик йўллари излаб топиш эса долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу боис бу соҳада келажакда ўрганилиши ва илмий тадқиқ қилиниши зарур бўлган кўпгина муаммолар борлиги аниқлаштирилди. Биз тадқиқот ишимизда истиқболда психология соҳасида амалга оширилаётган энг муҳим йўналишларга тўхталдик, холос. Унинг ҳар бир йўналиши бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб бориш олимлар олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

**Хулоса.** Тошкент шаҳрида оилавий муаммолар билан мурожаат қилган ёш оилаларнинг аксариятида иқтисодий қийинчилик асосида юзага келган келишмовчиликлар ажрим ҳолатининг асосий омили бўлмоқда. Бунда оилада юзага келган низолар кўп ҳолларда истеъмол портфелидан паст ойлик даромад топиш орқасидан келиб чиққан, яъни эр ва хотинларнинг топган даромади рўзғор ташвишларидангина иборат бўлиб қолган.

Оилада ишсизлик (айниқса эрнинг), ота-онага боқимандалик, яъни ҳали бирор касб эгаси бўлмаса-да ота-она томонидан фарзандларини никоҳлантириб қўйиш, баъзан иқтисодий қийинчилик мавжуд бўлмаган оилалардаги ортиқча орзу-хавас ҳам Тошкент шаҳрида айрим оилаларда ажралишларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Оила мустақамлигида қадриятлар ва тарбиянинг ўрни беқиёс бўлиб, уларни ўзида мужассам этган 2 ҳафталик тренинг натижасида низоли оилалардаги ажралиш хавфи юқори даражали гуруҳда 13,3 % дан 10,3 % гача, ўртача хавфли гуруҳда 33,3 % дан 25,5 % гача камайтирилишига эришилган.

**Adabiyotlar, References, Литературы:**

1. Дубанова В. А. Этнопсихологические особенности стилей семейного воспитания // Вестник БГУ., 2011. – №5. – С. 73-78.
2. Слепкова В. И., Заеко Т. А. Психологическая диагностика семейных отношений. – Мозырь: Содействие, 2006. – 196 с.
3. Сон Л., Надточий З. А. Семейные отношения: прошлое, настоящее и будущее // Электронный научно-методический журнал Омского ГАУ, 2019. – №S6. – С. 15.
4. Сувонова У., Рахмонова Х. Ислом таълимотида оила этикаси // Scientific progress. – 2021. – №5. – Б. 416-419.-
5. Уварова Л. Н., Ягафарова Р. Р. Психология семейных отношений // E-Scio. 2021. – №6 (57). – С. 174-178.
6. Холдаров М. Оиланинг ижтимоий қадрият сифатидаги ўрни. // Философия и право. – 2023. – №2. – Б. 215-218.